



## САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик sanoat зоналари ташкил қилиш, уларни зарур инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, бундай мажмуалар яхлит жойлашув, қулай коммуникация эвазига sanoat ривожига катта туртки бўлади. Утган беш йилда юртимизда қўшимча 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик sanoat зонаси ташкил этилиб, миндан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Натижада 100 мингта иш ўрни яратилиб, йилига 45 триллион сумлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, sanoat зоналаридаги корхоналар йилига 750 миллион долларлик экспорт ва 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир туманга, олис ва чекка ҳудудларга sanoat кириб бормоқда. Хусусан, илгари sanoat умуман бўлмаган 11 та туманда 205 та янги корхона иш бошлади.

Аслида, салоҳият, марралар бундан-да юқори. Лекин уларни ҳаётга татбиқ этишда сусткашлик ҳолатлари кўп. Айрим кичик sanoat зоналарининг бош режаси ҳалигача тасдиқланмагани, яна баъзилари инфратузилма билан тўлиқ таъминланмагани сабабли тайёр лойиҳалар бошланмасдан турибди.

Бундан ташқари, sanoat зоналарида иш бошлаш учун беш босқичли жараёндан ўтиб, ўндан ортиқ ҳужжатлар йиғиш кераклиги тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Президентимиз бу масалаларни ҳал этиш sanoatни ривожлантириш ва иш ўринларини кўпайтиришда муҳим эканини таъкидлади.

— Бозор иқтисодиётида ҳар бир туманга, ҳар бир маҳаллага инвестиция кириб бориши керак, — деди давлатимиз раҳбари. — Жорий йилнинг ўзида 2 мингта лойиҳани амалга ошириш, 110 мингта янги иш ўрни очиб ва 1 миллиард доллар қўшимча экспорт қилиш мумкин. Бугунги муҳокамаимиз замирида шу мақсад ётибди.

Йиғилишда sanoat зоналарида бўш турган 6 минг 600 гектар майдонни электр энергияси, сув, йўл ва бошқа шароитлар билан таъминлаш чоралари муҳокама қилинди. Бунинг учун 1 триллион 500 миллиард сўм ёки 2021 йилга нисбатан 2 баравар кўп маблағ ажратилиши белгиланди.

Ҳудудларда текстиль-бўёқ ва терини қайта ишлаш бўйича кўплаб янги лойиҳалар тайёрланган. Бунинг учун

марказлашган тозалаш иншоотлари зарур. Шу боис, бундай корхоналар учун танланган жойларда замонавий тозалаш иншоотлари қуриш бўйича кўрсатма берилди.

Маълумки, 200 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳалар инфратузилмаси учун харажатларни давлат томонидан молиялаштириш жорий қилинган. Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилояти тадбиркорлари бу имкониятдан фойдаланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 630 миллион долларлик лойиҳалар ташаббуси билан чиққан.

Шундай лойиҳалар учун жорий йилда ҳудудларга 170 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди. Вилоят ҳокимлари бошқа ҳудудларга бориб, бир-бирининг тажрибасини ўрганиши муҳимлиги таъкидланди.

Самарқандда 300 гектар майдонда янги махсус sanoat зонаси ташкил этилиши айтилар экан, у ерда бизнес учун қулай шароитлар яратиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган лойиҳаларни шакллантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари sanoat зоналарида иш бошлашдаги бюрократияга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу борадаги тартибни соддалаштириш чоралари белгиланди. Унга кўра, эркин иқтисодий зоналарда амалга ошириладиган лойиҳаларни экспертиза қилиш ваколати Инвестициялар ва ташқи савдо

вазирлигига ўтказилади. Импортда имтиёزلарни қўллаш учун Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг ҳулосасини олиш тартиби бекор қилинади.

Шу пайтгача sanoat зоналаридаги ерлар аукционга ҳокимлик томонидан қўйилар эди. Энди инвестиция мажбуриятлари белгиланиб, мазкур зоналарнинг дирекциялари томонидан чиқарилади. Шунингдек, инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан кейин аукцион орқали олинган объектларни хусусийлаштиришга руҳсат берилади.

Буларнинг ҳисобига sanoat зоналарига лойиҳаларни жойлаштириш жараёнидаги босқичлар сони камайиб, бунга кетадиган вақт 3 ойдан 1 ойгача қисқаради.

Президентимиз кичик sanoat зоналарида узок йиллардан бери фаолият юритиб келаётган тадбиркорларнинг ери ва бино-иншоотлари билан боғлиқ масалаларини ҳал қилиш бўйича ҳам топириқ берди.

Маҳсулотларнинг экспортбоғлиғини, халқаро стандарт ва истеъмолчи талабларига мослигини таъминлаш учун айрим sanoat зоналарини хорижий компанияларга бошқарувга бериш, улардан инвесторларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳокимлар ҳисобот берди, тадбиркорлар тақлифларини билдирди.

Ў.А

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИДА

## БОШ ҚОНУНИМИЗ РЕАЛ ВОҚЕЛИККА, ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР МАНТИҒИГА МОСЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда комиссия олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, конституциявий ислохотларни амалга оширишга оид чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Конституциявий комиссия раиси Акмал Саидов мамлакатимиздаги кенг кўламли ва изчил ислохотлар, жамиятимизнинг шиддатли тараққиёти Бош қонунимизни бугунги реал воқеликка, демократик янгилаНИШЛАР мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланганини таъкидлади. Шу сабабли мамлакатимизда конституциявий ислохотлар жараёнига киришилди.

Конституцияимиздаги ўзгаришлар "Инсон қадрини учун", "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойиллари асосида халқимиз фаровонлигини янада халқлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш, тадбиркорликни янада ривожланти-

риш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилган ислохотларни қатъий давом эттириш учун мустақкам пойдевор бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, конституциявий ислохотларни амалга ошириш миллий тараққиётимиз жараёнини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Йиғилишда таъкидланганидек, конституциявий ислохотларда "Инсон — жамият — давлат", "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойиллари, "Инсон манфаатлари — иқтисодий ислохотларнинг бош мезони", "Жамият — ислохотлар ташаббускори" сингари эзгу ғоялар Бош қонунимизда ўз аксини топади.

▶ Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

## ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ОДАМЛАР

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи фарғоналиклар кайфиятини кўтариб, янги мақсад ва марралар сари янада руҳлантирди. Бугун қайси маҳалла ёки меҳнат жамоасига кирсангиз, ташрифдан ташрифгача бўлган даврда жойларда амалга оширилган ислохотлар хусусидаги ўзаро суҳбат ва мулоқотларга рўбарў бўласиз. Одамларнинг кайфияти баланд. Ҳамма яратувчанлик иштиёқи билан андармон.



— Қўштепа туманида ҳам янгилаНИШЛАР қизин паллага кирди, — дейди "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби Жўравой Қаримов. — Одамларнинг яшаш тарзи ўзгарди, янги ташаббуслар кенг қўл очиб ёймоқда. Кекса муаллим ва меҳнат фахрийси сифатида айта оламани, авваллари ёшларни шаҳарга бориб ишлаш ва униб-ўсишга даъват этардик. Чунки бу ерда қолиб, бири икки бўлмаганлар кўп эди. Энди эса аксинча! Қишлоққа келинг, янги лойиҳалар ижод қилинг, дея чорляпимиз. Чунки қишлоқларимизда ҳам тўқин ва фаровон яшаш, яхши даромад топиш борасидаги имкониятлар кенгайди.

Икки йил илгари Қўштепа тумани иқтисодий кўрсаткичлари пастлиги боис, "қизил" ҳудудга киритилган эди. Хусусан, sanoat йўналишида вилоят-

даги улуши бор-йўғи 1 фоизни, қишлоқ хўжалигида 6,1, қурилиш соҳасида 2,8, чакана савдодаги улуши 3,5 фоизни ташкил этарди, холос.

Бугун бу борадаги кўрсаткичлар салмоғи ошди, сифат яхшиланди. Утган йили 1 триллион 21 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бу йўналишда вилоят sanoat салоҳиятидаги ҳиссаси 3,7 фоиз ортди. Қишлоқ хўжалигида 8,4 фоиз, чакана савдода 4,2 фоиз ошди.

Хорижий инвестициялар иштирокида 7,1 миллион долларлик 3 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Сўнгги 3 йилда 42,9 миллион АҚШ доллари қийматдаги маҳсулот экспорт қилинди. Бу аввалги йиллардагига нисбатан тўрт ҳисса кўп.

▶ Давоми 2-бетда

## БУЮҚ ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Барча амалдорлар — халқ хизматкорлари. Буни ҳамма тушуниши керак. Тушунмаган инсон сиёсатимизга хиёнат қилган бўлади. Айрим амалдорлар тушунмаяпти ҳали ҳам бу нарсани.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ МАКТАБИ

Президентимизнинг айтган бу фикри, айниқса, охириги жумла мени сергак торттирди, қўлимга қалам олишга мажбур қилди. Давлатимиз раҳбарининг бу фикрларини давлат хизматчиларига етказишда ўзимни бурчли деб билдим.

Демократик мамлакат самарали давлат аппаратисиз мавжуд бўла олмайдди. Буни исталган ривожланган мамлакат тажрибасида кўриш мумкин. Давлат хизмати кадрлари эса бу аппаратнинг узагини ташкил этади. Давлат хизмати институти мамлакатни бошқа-

риш тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Давлат хизматчилари давлат идораларининг ваколатларини амалга ошириш бўйича профессионал фаолият юритади. Бу фаолият ҳам мазмунан, ҳам шаклан фарқланади, лекин уларни бир мақсад — халқнинг турмушини яхши-

лаш ва одамларни рози қилиш йўли бирлаштиради.

Мамлакатнинг ривожланиш суръатлари ҳам, ислохотлар самараси ҳам, одамларнинг ҳаёт сифати ҳам, аҳолининг кайфияти ҳам давлат хизматчилари фаолиятига тўғридан-тўғри боғлиқ. Давлатнинг стратегик мақсадларига эришишда самарали, халққош, ҳисобдор ва ўзгаришларга мослашувчан давлат хизмати тизими асосий кучдир.

"Сингапур мўъжизаси" муаллифи Ли Куан Ю ҳам "Давлат аппаратига мамлакатнинг энг яхши ўғил-қизлари ишга бурганидагина, давлат қудратли бўлиши мумкин", деб бежиз айтмаган. Кўриниб турибдики, давлатнинг равнақи давлат хизматчилари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг компетентлигига бевосита дахлдир.

▶ Давоми 3-бетда

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

## МАҲСУЛОТ ҲАМ, БРЕНД ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛСА...



Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларига ўтиб бораёلمиз. 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта ҳамашёсини етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниши мамлакатимиз тарихидаги катта воқелик бўлгани ҳамон ёдимизда. Энди бу тизим ғаллачиликда ҳам амал қилади. Жорий йил 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтиломоқда.

▶ Давоми 4-бетда

КОНСТИТУЦИЙВИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА

БОШ ҚОНУНИМИЗ РЕАЛ ВОҚЕЛИККА, ДЕМОВАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР МАНТИФИГА МОСЛАШАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўтган ҳафта Конституциявий комиссия ташкил этилганидан сўнг фуқаролар ва кенг жамоатчилик вакиллари...

ни тугатишда давлат ўзининг барча имкониятларидан фойдаланиш мажбурияти...

ниб, бу ҳақда хабардор қилинади. Йиғилишда комиссия ишини ташкил этиш...

КОНСТИТУЦИЙВИЙ КОМИССИЯ ИШИГА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЖАЛБ ЭТИШ, УШБУ ЖАРАЁНДА БАРЧА АҲОЛИ ҚАТЛАМИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ...



Шу билан бирга, комиссия матбуот хизмати конституциявий ислохотлар, конституциявий янгиланишнинг зарурияти...

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

МУНОСАБАТ

ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИ ИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ



Мехриддин АБДУЛЛАЕВ, "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқаруви раиси

Қайд этилганидек, ҳозирги кунда республикаимиз нефть-газ соҳасида ҳам трансформация жараёни...

Иқтисодиёт тараққиётини таъминлаш, одамлар турмуш шароитини яхшилаш бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади...

риш орқали нарх-навоно барқарор ушлаб туришдан иборат. Истеъмолат йилдан-йилга ошиб борапти...



Устьорт, Қашқадарё ва Бухоро минтақаларидаги янги нефть ва газнинг истиқболли майдонларини ўзлаштириш...

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТТАН ОДАМЛАР

Бошланиши 1-бетда

Хомашё эмас, тайёр маҳсулот сотилади

"Нурафшон" кичик саноат зонасида пахта-тўқимачилик кластери — "Fergana Global textile infinity" ташаббуси билан қурилаётган "Global textile infinity" корхонаси ўзига хослиги билан ажралиб туради...

туманимизда 7 минг 310 нафар ишсиз бор, — дейди туман ҳокими Илёс Новиков. — Уларнинг бандлигини таъминлаш борасида бу йил кенг кўламли саъй-ҳаракатлар қилиняпти...

"Тадбиркорни сийласак, у халқни сийлайди"

Туман иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашда кичик саноат зоналарининг аҳамияти катта. Бу ердаги умумий майдони 27,44 гектар бўлган "Йўлдошбод", "Ҳавасманд-Қоражойда", "Шомирза", "Нурафшон", "Хумдон" кичик саноат зоналарида ташаббускор тадбиркорлар лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда...



Хунар бахт келтиради

Оилавий тадбиркорлик туман иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Айни кунда "Истиклол", "Деҳқонбод", "Мумтоз", "Сармозор", "Баланд масжид", "Гийштомон" маҳалла фуқаролар йиғинларида хунармандлик ривожланиб бормоқда...

манда" уюшмаси туман бўлими бошлиғи Дилбархон Баҳромова. — Туманимизда 450 нафардан ортқ хунарманд фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда 80 та устага 446 ёшни "устоз-шогирд" аъёнлари асосида касб-хунарга жалб этишни кўзлаб турибмиз...

"Ҳамма нарсага эришиш мумкин"

Ташриф доирасида Президентимиз Тошлоқ туманидаги "Агро импex valley" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан танишиб ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашди. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада умумий қиймати 102 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилди...

Тошлоқ туманидаги истиқболли лойиҳалар қишлоққа саноатни олиб кириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. — Жорий йил якунига қадар 30 мингта иш ўрни яратиб режалаштирилган, — дейди Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқашшоқ Жўрабоев. — Бу ўз-ўзидан амалга ошмайди...

Юқсалиш мезони

Оптириқ туманидаги Қапчуғай қир-адирликларидида қисқа фурсатда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончиликлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. 1000 гектарга яқин экин майдонини ўзлаштириш йўлида бошланган саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. — Илгари бу жой қуруқ ер эди. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш натижасида халқимиз ризқ-рўзида янги манбалар пайдо бўлди...

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бандлик тўлиқ таъминланади

Аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, камбағалликдан чиқариш устувор вазифалардан бири. Бу йўналишдаги истиқболдаги режалар салмоқли. Уни амалга ошириш учун "йўл харита"лари ишлаб чиқилди. — Ҳоким ёрдамчилари томонидан ўтказилган хатлов натижаларига кўра, бугунги кунда







